

ЗАЙНИДДИН НОРМАН

АЖАБ ДУЊЕ БУ ...

5
Уфимов
Милли кутубхонаси
Эдалик Зулун
Муамир.
11.01.06.

ТОШКЕНТ-2005

84(59)6-5 Баъдий адабиёт -
Шеърлар


Шеър-қалбдан сундай отилиб чиқадиган таъсирчан чиройли сўзлар йиғиндиси. Инсоннинг ҳаётини кечинмалари ҳосиласидир. Зайниддин Норманнинг асли касби ҳақим. Шеър ёзишга ёшлиқдан қизиқиб келади.

Сиз азият муштарийларга «Ажаб дунё бу...» шеърини китоби тақдим этилмоқда. Уйлаймизки, ушбу китоб ўз мухлисларини топади деган умидда қоламиз.

631930
0

АЖАБ ДУНЁ БУ ...

ЗАЙНИДДИН НОРМАН-ТОШКЕНТ, 2005



© Зайниддин Норман –Тошкент-2005

*Ушбу китоб мустақиллигимизнинг ўн
тўрт йиллигига бағишланади.*

МУҚАДДИМА

*Кўчаларда кетаётиб узоқ-узоқ ўйларга чўмиб қоламан. Кўнглим-
га ҳар хил таъсирчан чиройли сўзлар келверади. Бу сўзларни гоҳи-
да ёзишга улгураман, гоҳида эса улгураолмай қоламан. Бир марта
эсга келган сўзни қайта келтириш жуда қийин бўлади. Кейинги
пайтларда доимо ижод билан бандман. Лекин касб-коримни янада
ривожлантирган ҳолда адабиётга меҳру ихлосим умрбод баланд
бўлишини таъкидлашим жоиз. Ушбу шеърини тўнламин «АЖАБ ДУНЁ
БУ» деб аташга қарор қилдим. Чунки бу дунё нақадар ажаб, балки,
ўта қизиқ ҳамдир. Мен шеърини таърихга, публицистикага ёшликдан қизи-
қаман. Кўп бора буларни чуқур таҳлил қилардим. Ўзимдан-ўзимга
жуда кўп саволлар берардим. Буларни ечишга уриниб кўрардим.
Кўнглимдан сувдай оқиб чиқаётган сўзларни доим қоғозга кўчира-
дим. Бу нарсаларни Оллоҳни каромати деб биламан.*

МУСТАҒИЛ ЮРТИМ

Жаннатмакон юртим Ўзбекистоним,
Халқинг саодатли истиқлолингдан!
Ўзинг илҳомимсан, кучим, дармоним,
Мамнунман мунаввар истиқболингдан!

Қалбим тўридаги энг эзгу ният-
Кўрмоқ эди Ватан мустақиллигин.
Бутун бутун жаҳон, бор инсоният
Кўрмоқда истиқлол ўн тўрт йиллигин!

Ўтди не аждодлар, бобаколонлар
Бахш этиб озодлик учун жонини.
Не бахт, насиб энди хислатли онлар-
Оқладик уларнинг тўккан қонини.

Байроғинг ҳилпирар юксак, сарбаланд,
Жаҳон узра янграр давлат мадҳиянг.
Ёш, янги авлодга мансуб ҳар фарзанд
Олмоқда серқирра таълим-тарбиянг.

Камолингдан куйган ғаламисларнинг
Қора ниятлари мутлақ хомхаёл!
Юртбошинг етакчи ўғил-қизларнинг
Шаҳду аҳду боис кўрмассан завол!

Қутлуғ истиқлолдан истиқбол томон
Бошланган улуг йўл шарофатлидир.
Ўзбекнинг ўзлиги, юрти ҳар қачон
Безавол, баркамол, тароватлидир!

Она Ўзбекистон, обод диёрим,
Ишимиз бахшида жамолинг учун!
Умрлар фидодир, озод диёрим
Ривожинг, равнақинг, камолинг учун!

ОТАЖОНИМ

Олим бўлишимни дилдан хоҳлаган
Ғамхўр меҳрибоним-отажонимсиз.
Эзгу ишлар сари мени чоғлаган
Энг яқин инсоним-отажонимсиз.

Камолим йўлида қаттиқ куйинган
Мададкору қўлдош - отажонимсиз.
Китобларим чиқса, роса суюнган,
Қувончимга йўлдош - отажонимсиз.

Ишим қандайлигин доим сўраган,
Аҳволимдан воқиф - отажонимсиз
Ҳар бир ютуғимдан ҳар вақт яйраган,
Яхшиликка соҳиб - отажонимсиз.

06.08.05.

ҚИШЛОҒИМ ХАРИТАСИ

Ушалди дилдаги орзу ниятим-
Чиздим қишлоғимнинг харитасини.
Ҳар бир кўчасида ҳаёлан кезиб,
Эсладим йўлларнинг ҳар биттасини.

Баланд тоғларию кенг далалари
Харита чизмоққа мени ундарди.
Югургилаб йиллар ўтгани сари
Мени ўртар эди харита дарди.

Харитада мавжуд энди қишлоғим,
Қўшни қишлоқлар ҳам акс этди албат-
Олмасавон, Мавлон, Бурган, Учқора,
Мурдош, Ўртабулоқ, Тиканли, Аймат.

Яна Сангжумон, Пачир, Қариз, Тоғ-
Бари харитада бўлди намоён.
Биз томонга борса бирон ишқибоз
Шу харита йўлини этгайдир аён...

08.07.05.

ДАРДЛИ ДУНЁ

I

Дардли дунё, армонли дунё -
 Осон эмас ошини ошаш.
 Жондан тўйиб кетасан гоҳо
 Ёқмай қолар ҳаттоки яшаш.

Токи бор давлатинг, қувватинг
 Кўп бўлар улфату ҳампиша.
 Барини синайди кулфатинг -
 Чин дўстинг ҳамдарддир ҳамиша.

Ҳаммадан қолади бу дунё,
 Ортмоқлаб кетолмас ҳеч киши.
 Яхшининг умрида бор маъно -
 Ўзидан ёдгордир ҳар иши.

II

Беш кунлик бу дунё асли бири кам,
 Балки гўзаллиги, қадри ҳам шунда.
 Бир палласи - шодлик, бир палласи - ғам,
 Инсон ўткинчидир кўҳна очувда.

Ҳаёт ҳам кечади ниятга қараб,
 Одамнинг ўзига мос бўлар умри.
 Кимки яхшилик ё ёмонлик тараф,
 Яшашига лойиқ бўлар тақдири.

Ғалати дунё бу, ажаб дунё бу -
 Ҳақиқат тусида турланар ёлғон.
 Ҳалолга, яхшига азоб дунё бу -
 Ёмонлик дастидан қийналар ҳар он...

СИЗ БУЮК ЗОТ - ОНАЖОНИМСИЗ

Эсда ҳар бир айтган сўзингиз,
Кўз ўнгимда нурли юзингиз
Ҳаммадан ҳам яқин ўзингиз-
Сиз буюк зот - Онажонимсиз!

Гоҳо ширин қандлар берган,
Гоҳо ўғит, пандлар берган,
Фарзандим деб жон куйдирган
Сиз буюк зот- Онажонимсиз!

Мен бешикда ётган паллалар,
Ухлатгансиз айтиб аллалар,
Ҳар сўзига муштоқ болалар-
Сиз буюк зот- Онажонимсиз!

Биалар учун хизмат қилдингиз,
Ардоқ, эъзоз, иззат қилдингиз,
Барчасига лойиқ бўлдингиз,
Сиз буюк зот Онажонимсиз!

Изланишлар сари йўллаган,
Мадад берган, ҳар вақт қўллаган,
Бизни ўйлаб тинчи бўлмаган,
Сиз буюк зот Онажонимсиз!

Борганимда парвона бўлиб,
Ютуғимдан юраги тўлиб,
Суюнасиз завқим қўш қилиб-
Сиз буюк зот Онажонимсиз!

ЎЗИ БЕК ХАЛҚИМГА

Ушалди асрий орау,
 Битди армон, Ўзбегим!
 Эркинликка эришдинг
 Билди жаҳон, Ўзбегим!

Сен Темура ашодисан,
 Мангуберди, Бобурсан-
 Улар руҳин шод эттил
 Буюк Турон- Ўзбегим!

Келажак деб жон тиккан
 Қодирий, Чўлпон энди
 Ўзлим қайда дея
 Йиғламас қон, Ўзбегим!

Дўшмано тўнлар кийиб,
 Ўзи бек фарзандларинг
 Мир Алишер тилида
 Ўткир забон, Ўзбегим!

Озодсан, Мустақилсан-
 Фидоий ўғлонларинг
 Истиқлолинг йўлида
 Бердилар жон, Ўзбегим!

Усмонларинг сотишди,
 Фитратларинг отишди.
 Фарзандлар келажагинг,
 Сақла омон, Ўзбегим!

Муҳаммадинг унутма,
 Сени тангри қўлласин!
 Сени мангу қўлласин
 Улуғ Қуръон, Ўзбегим!

Бирлаш энди, ўз энди,
 Ўзлигингни унутма.
 Унутсанг, халқим чекар
 Нола-афсон, Ўзбегим!

ОРЗУЛАРИМ

I

Орзу тилак аслида
 Дардлар билан тирикдир.
 Қалбидаги орзулар
 Инсон учун кўрикдир.

Орзуга айб йўқ дерлар,
 Бу - донолар хикмати,
 Орзуси пок кишидан
 Асло ёмон чиқмади.

Кечаги эртак - орзу
 Бугун ростга айланар,
 Орзуманд инсон доим
 Парвоз учун шайланар.

Гарчи мен ҳам орзуманд,
 Интиламан тинмайин -
 Армонлар гирдобига
 Фарқ бўляшман кун сайин...

II

Ҳар жойда бўлгандек тошу тарозу,
 Ҳар кимнинг дилида серобдир орзу.
 Ораудир зиёрат, саёҳат, сафар,
 Рўёбдан нишона ютуғу зафар.

Ҳали ушалмаган орзуларимдан
 Изланувчан қалбим эмасдир хафа,
 Кун келиб кўргайман ижобатини,
 Орзулар ушалиб, қилгум ғалаба!

Орзулар қолди деб йиғламанг зинҳор,
 Ниятни кенг қилинг - рўёбин бергай.
 Юракни армонда тигламанг зинҳор,
 Интилган, албатта, ижобат кўргай...

ОТАМНИ КУЗАТАЁТИБ

Ногоҳ сиздан жудо бўлдим, отажон,
Дарахтлар гуллаган чоғ
Кўнгилдан ўчмағай доғ!
Ўриклар гуллаган оппоқ
Баҳор куни
Қора қайғу босди ногоҳ
Тополмадим мен отамни
Кўларимдан ёш тўкканча
Боғ айланиб...

26.03.99

СЕЗМАЙ ҚОЛИБМАН

Отажоним, Сиздан қолди чиройли кабза уйлар,
Юрагингиз шунча эрта тўхташини билмабман.
Сиздай инсон илдирига болта теккан дарахтдай,
Ёз келмасдан сўлишини билмабман...

26.03.99

ЕШЛИГИМ

Қачон эсимга тупса,
Ўтган ёшлик онлари
Уйғонади қайтадан,
Қувончу армонлари.

Йиллар ўтар еллардай,
Давом этар йўлида
Ҳаёт йўлини қуриш
Асли ёшлик қўлида.

Боқиб ўтган кунларга,
Агар сарҳисоб қилсам
Араир биридан хурсанд,
Биридан маънос бўлсам.

Беғубор ёшлигимга
Қайта олсайдим, э воҳ,
Ташлардим келажакка
Ўзгача тийран нигоҳ.

Ўйинқароқ, роса шўх
Ёшлик бебошлик асли.
Бесамар ўтмаса бас
Ҳаётнинг баҳор фасли.

Ўйин - кулги ўткинчи,
Тушдай ўтиб кетади.
Ёшликда ёд олганинг
Бор умрингга етади.

Кўпроқ ўқиб, кўп билсанг,
Кўп излансанг яхшидир.
Ёшликдаги бойлигинг
Ҳаётингнинг нақшидир.

Ёшлик ғайрати жўшиб,
Қанча ишга қўл урдим-
Минг шукрки, умримга
Пухта пойдевор қурдим.

Ҳамиша юрагимда,
Эсимдасан, ёшлигим
Ортимдан қоладиган
Изимдасан, ёшлигим...

15.06.05.

ЎЗБЕГИМ ТҶЙИ

Авжида тўй ялласи,
 Чолғуларга ҳамоҳанг,
 Юракларда жўш урган
 Туйғуларга ҳамоҳанг!

Меэбонлару меҳмонлар-
 Барча шодон, қувноқдир,
 Бор тўйхона аҳлига
 Хўш кайфият ҳамроҳдир.


Севги, висол оқшоми
 Турмушга дебочадир,
 Икки ёшнинг умрига
 Заррин нурлар сочадир.

Бир бирига ярашган
 Бўйларингиз муборак-
 Бахтли бўлинг, икки ёш,
 Тўйларингиз муборак!

Тилаклар рўёбини
 Умрингизга кўчиринг,
 Биргаликда беармон,
 Ширин ҳаёт кечиринг!

Дилдаги эзгу режа,
 Уйларингиз муборак-
 Бахтли бўлинг, икки ёш,
 Тўйларингиз муборак!

Яшаб ўтинг ҳаётдан
 Билмай нелигин армон,
 Ушбу тилакни айтди
 Сизга Зайниддин Норман!



БАҲОРИЙ ҚУТЛОВ

Баҳор билан дунё чароғон,
Аёл билан дунё фаровон,
Онажонлар дуоסי боис
Гўзал баҳор, гўзалдир жаҳон!

Кўм-кўк этар борлиқни кўклам,
Қир-адирлар, далалар кўркам.
Табиатнинг мўъжизасига
Лол қоласан боғларин кўрсанг!

Мунис, мушфиқ онажонларга,
Сингиллару опажонларга
Қутлуғ бўлсин Саккизинчи март,
Бахтлар берсин шу инсонларга!

08.03.05.

БОҒБОНИМ ОТАМ

Ҳар бир инсон туғилган маҳал,
 Не не ораулар қилар тантана.
 Ўз қадрини эслаган пайти
 Не-не мақсадлар туғилар яна.

Маъноси мўл ушбу фикримга
 Отам умри мисол киройи-
 Ҳар бир қурган иморатлари
 Отам умрин нақши, чиройи.

Кабзаларга тушганда кўзим,
 Аён бўлар отам сиймоси-
 Менга гурур, илҳом бахш этар
 Бунёд этган нақшин биноси.

Унинг қадри тириклигида
 Улуғлашга интилдим, бироқ,
 Мусофирлик боис кўпинча
 Бўлар эдим отамдан йироқ.

Кўриш учун отамни тез-тез
 Имкон, илож, вақт излар эдим,
 Доим отам билан бўлишни
 Сидқидилдан, кўп истар эдим.

Йўқлаб бордим йўллар етгунча-
 Эслаб, дилга армонлар тўлар.
 Афсус, тақдир шу экан нетай,
 Оллоҳ насиб этгани бўлар.

Ёдга солди не не ишларни
Уста отам кийган коржом,
Бел боғладим отам ҳақида
Ёзмоқ учун китоб ёднома.

Падаримнинг умри, меҳнати
Фидо эзгу вазифаларга,
Эл-юрт учун чеккан хизмати
Кучсин энди саҳифаларга.

Ҳар доим мени қўллаган отам,
Бугун олим, жарроҳ ҳақимман.
Тошкент сари йўллаган отам,
Пойтахт ичра энди муқимман.

Илҳом беринг яна, отажон,
Руҳингизни яна под этай-
Умрингизга, сизга бағишлаб
Зарварақли китоблар битай!

28.02.05.

ТААССУРОТ ИЛҲОМИ

Шаҳри азим Тошкентнинг
Оромбахш гўшасида
Нақшинкор иморат бор
Зафарий кўчасида.

Ушбу кўркем бинонинг
Ижодкори отамдир,
Ўймакори наққоши,
Дурадгори отамдир.

Келиб олис Жизмондан
Пойтахтда ижод қилган,
Нақшига меҳрин бериб,
Шу уйни бунёд қилган.

Соҳиби Карим бобо
Дунёдан ўтган экан,
Отам билан дўст бўлиб,
Ҳурматин тутган экан.

Икки минг бешинчи йил,
Олтинчи март санаси-
Менга завқ берди шу уй,
Нақшинкор ҳар хонаси.

Фурурланиб отамнинг
Зеҳни, касби, ишидан,
Суратга олдим уйни
Ташидану ичидан.

Зеро қарорим қатъий,
Зеро, ниятим зағу-
Отам ҳақида китоб
Умрига бўлсин кўзгу!

Сўйласин ҳар варағи,
Ҳар сурати отамдан,
Сўйласин мангуликка
Не қоларин одамдан.

Насиб этса, орауим
Айланмагай армонга
Китобдан ҳайкал қўйгум
Отам уста Норманга!

Етти уруғин билиш
Инсонга фарз дейдилар,
Аждодини улуғлаш
Авлодга дарс дейдилар-

Бағишлаб падаримга,
Ёзганим ушбу китоб-
Авлодларга нур сочсин,
Бўлсин мисоли офтоб.

Бўлмасам да гарчи мен
Қаламкаш ёки шоир-
Китоб ёзиб ўтаман
Отам умрига доир-

Бу ёднома ёдгорлик
Барча ўғил-қизларга,
Аждодларим тарихин
Айтсин, дўстлар, сизларга!

06.03.05.

ОНАЖОНИМ

I

Қўша бўлгай
Қувончим ҳам,
Гар сиз билан
Кўрсам баҳам,
Сизни эслаб
Ўтар ҳар он,
Умрим завқи
Сиз - Онажон!
Қайда бўлмай,
Ёнимдасиз -
Хаёлимда,
Ёдимдасиз!

II

Борсам ҳар сафар
Ўпиб қўясиз,
Олқишлар айтиб
Жондан суясиз,
Сўзларингиздан
Вақтим чоғ бўлар,
Бошим осмонда,
Қўксим тоғ бўлар.
Йўллар очгансиз
Келажагимга,
Шифокор олим
Бўлажагимга!

III

Кечалари айтиб аллалар
Фарзандига ором бахш этган,
Ҳаётимга гўзал паллалар,
Тотли, пириин дамлар нақш этган-

Мунисгинам, муштипар онам
Сиздан яқин зот йўқдир менга,
Мушфиқ онам, мўътабар онам,
Сиз- куч- қувват, сиз- нажот менга!

Дилимда жўш урган ҳисларни
Шеърга солай дея бедорман-
Онажоним, гўзал сўзларни
Гулдастадек қилмоққа зорман.

IV

Онажон!
Чеҳрангиз доимо тассаввуримда,
Меҳрингиз ҳамиша тафаккуримда,
Сизга раҳматларим, тапаккуримда
Абадий туганмас эъозларим бор.

Онажон!
Ёдимда сиз берган иссиқ кулчалар,
Меҳрибон, жонкуяр зотсиз бунчалар,
Сиз сабаб гуллади орау-ғунчалар,
Сиз сабаб баҳорлар ҳам ёзларим бор.

Онажон!
Ўқиш-ўрганишга ундаб ҳар қачон,
Йўлладингиз билим эгаллаш томон,
Қанотлар бергансиз- шу боис ҳамон
Илму фан кўкида парвозларим бор!

V

Ўн саккизга тўлган пайтим,
 Аскар йигит бўлган пайтим-
 «Хўш, ой бориб, омон қайтгин!»
 Дегандингиз нон тишлатиб.

Кенг кўксимга қўйганча боп,
 Юзингизни ювганча ёш.
 «Бурчинг ўта бериб бардош»
 Дегандингиз кўза ёшлатиб.

Ҳарбий хизмат ўтиб омон,
 Бурчим ўтаб қайтганим он,
 «Юзим ёруғ этдинг ўғлон!»
 Дегандингиз дил хушлатиб.

VI

«Дарсларингни вақтида қилсанг,
 Кўп ўргансанг, болам, сеники,
 Қанча ўқиб, шунча кўп билсанг-
 Олим бўлсанг, олам сеники».

Мен биринчи синфга борган кез
 Бошим силаб шундай дедингиз.
 Сўнг бу гапни такрорлаб тез-тез
 Мактаб сари йўллар эдингиз.

Билардимки, «аъло» баҳолар
 Аъло қилар кайфиятингиз-
 Олимлигим бутун баҳолар
 Ўша рағбат, гап-ниятингиз.

Сиз юрсангиз кўп поду-хандон,
 Кўнглим шунча хурсанд, онажон-
 Орзуингиз упалганидан
 Мен бахтиёр, фарзанд, онажон!

VII

Соғинган пайти мени
Расмим силаган онам,
Ишимга, ижодимга
Омад тилаган онам-

Ёзганда ушбу шеърни
Етганча имкон, қурбим,
Ўзингиз билан кўп бор
Хаёлан суҳбат қурдим.

Ўғил-қизлар бахтига
Юзга тўлинг, онажон!
Берган оқ сутингизга
Рози бўлинг- онажон!

24.08.05

АВЛОДНИ ЭСЛА...

Сархуш давраларда улфатлар билан
Ғафлат босганича хандон отамиз-
Унутиб ташвишлар, қулфатлар билан
Қандай курашмоқда она, отамиз!

Уларнинг борлиги фарзандлар учун
Зур давлат эканин билмай юрамыз,
Айирган маҳали улардан очун
Надоматда куйиб, фарёд урамыз...

Эй, инсон, асли бахт ота-онанинг
Дарду қувончингга шериклигида.
Кўзни оч, ҳамма вақт ота-онани
Қадрла борида, тириклигида!

Ўлим ҳақ, айрилсанг ота-онангдан,
Эслат фарзандингга, авлодларингга!
Токи ўғил-қизлар улуғлаган дам
Шукрона ёр бўлсин аждодларингга!

06.03.05.

ЖИЗМОНИМ

Қараган сари қарагим келади,
Нақадар сўлимсан, она-Жизмоним!
Яхши кунингга ярагим келади
Келганча қўлимдан, она-Жизмоним!

Кўкламда чиройинг, сеҳринг ўзгача,
Заминга ихлосинг, меҳринг ўзгача,
Тер тўкиб баҳордан то кеч кўзгача
Ризқ-рўз ундирасан, она-Жизмоним!

Сўзга чечан номдор фарзандинг-Пўлкан,
Сўзингга яраша ишинг ҳам улкан,
Ваъда берсанг, доим вафоси бўлган-
Қойил дўндирасан, она-Жизмоним!

Ойдан оро олиб, офтобда пишган
Қизларинг таърифи тилларга тушган,
Гўзалларинг боис дилларда ишқдан
Гулхан ёндирасан, она-Жизмоним!

Кўпқари, курашда қилиб ҳарбу зарб,
Синалган, чиниққан йигитларинг алп,
Файрат тулпорини изласа не қалб-
Ўзинг миндирасан, она-Жизмоним!

Жамолинг жилваси хузурбахш, аъло-
Нақадар гўзалсан, она-Жизмоним!
Фарзандинг Зайниддин учун доимо
Қўшиқ, шеър, ғазалсан, она-Жизмоним!

ПРОФЕССОР ШАВКАТ АКАГА

Ўз ўрнини топган ўшлик олимсиз-
Ижоди шавкатли Шавкат муаллим,
Шонли лашкарингиз - китобларингиз,
Билимингиз сизга давлат муаллим.

Ўзини беқиёс олим санаган,
Асли чаласавод, чаламуллалар
Ич-ичидан титрар, зир-зир қалтирар
Сиз асар ё тақриз ёзган паллалар!

Заҳматкаш фидоий, камтарин, хоксор -
Сиз кибру ҳаводан мутлоқ холисиз,
Аммо илмингиздай номингиз улуг-
Устози бузруквор Шавкат Солисиз!

30.10.05.

УСТОЗ ҒАЙБУЛЛОҲ АС-САЛОМ ХОТИРАСИГА

Сизнинг кечагидай эслаб юраман,
Ёдимдан ўчмайди Сиз айтган калом.
Китобу шеърингиз излаб юраман,
Сизни қайдан топай, Ғайбуллоҳ ас-Салом?!

Жизмон қишлоғига бориб бир сафар
Бизнинг хонадонда бўлдингиз меҳмон,
Отам уста Норман сизга илҳом бердию
Ўқидингиз ёзган шеърингиз шу он.

Яна туташ бўлиб тақдир йўллари
Неча бор гаплашдик Тошкентда сўнгра,
Жон деб эшитардим хуш овозингиз
Экрану эфирда гар қолса янграб.

Маъно уммонига гарқ бўламан кўп,
Мутолаа этиб китобларингиз,
Қулоғим остида жаранглайверар
Сертуғён, оҳиста хитобларингиз.

Сиздан ёдгорлик сўздир - «Эй, умри азиз...»
Дилимга, тилимга кўп ҳикмат олдим,
Ғайбуллоҳ ас-Салом сизни хотирлаб,
Кечган ўйларни шу шеъримга солдим.

26.10.05.

ТИБ ПОСБОНЛАРИ

Сизларда на ором, на-да тиним бор,
Беморлари учун Сиз доим бедор.
Касалликка қарши курашга тайёр,
Эл-юрт соғлигин сақлаган зотлар.

Чўлдами, йўлдами бирон-бир киши,
Оғриқлар касридан йўқотса хушин,
Илк тиббий ёрдамни кўрсатиш ишин,
Бажариб, бурчини оқлаган зотлар.

Соғайган беморлар ардоғидасиз,
Доимо бардамлик тарафидасиз,
Оқ халатлиларнинг зўр сафидасиз,
Тану жон ярасин боғлаган зотлар

Танаси бошқаю, дардманд ҳамдард
Ўлимнинг йўлини тўсишга шай, мард,
Имони либоси сингари бегард,
Виждон соғлигин сақлаган зотлар.

29.10.05.

БУ ДУНЁНИ ЎЗИ ҚИЗИҚ

Бу дунёнинг дардлари, дармонлари кўп,
Ҳар кимнинг орзуси, армонлари кўп,
Пешонада борин кўрар ҳар инсон,
Қисматнинг ҳукмию фармонлари кўп.

Табиат бағрида чексиз муъжиза -
Қалтаўй одамни қиладир изза.
Мой устида бўлса ҳамки пичоғинг,
Ўзни бос, аксинча бўлурсан жизза.

Бу ҳаёт, бу дунё Оллоҳ неъматини,
Ҳар бир бандасига қилган ҳиммати.
Ҳаромдан сақлангин, нафсга эрк берма -
Қалб кўзинг босмасин шайтон зулмати.

Авайла табиат, атроф муҳитни,
Ўз жойига билиб ташла чиқитни.
Бузилса мабода сув, ҳаво, тупроқ,
Бузгай ёшу қари, қизу йигитни.

Буюк мувозанат ҳоким оламда,
Меъёр ҳисси ўссин барча одамда,
Баримиз, боримиз - бир кемадамиз,
Жонимиз бирлигин ўйланг ҳар дамда.

18.11.05.

ЎЗБЕГИМ ТИЛИ

Сонсиз миллат, элатнинг
Ўзига мос тили бор -
Ўзбегимнинг ўзгача
Ўзига хос тили бор.

Тилимиз менсимасдан
Кўшлар эди ҳавойи,
Юксалтирди ўзбекни
Мир Алишер Навоий.

Бугун ўзбекча сўзлай -
Дейди бутун хориж ҳам,
Вашингтону Пекин ҳам,
Москваю Париж ҳам.

Истиқлол сеҳри боис
Битди дарду ҳасратлар,
Қайтди элга ўзлиги,
Қайтди улуғ ҳазратлар.

Туроним, Туркистоним,
Она Ўзбекистоним -
Тил равнақинг, эл бахтинг
Учун фидодир жоним.

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Ҳар бир юрт истиқбол, келажак учун,
Интилиб яшайди асрлар оша.
Сарфлаб салоҳият, бор қудрат кучин
Насллар камолин қилур томоша.

Барча эркинликлар, кафолат, бурчлар
Мужассамдир буюк Қомусимизда.
Жаҳон майдонида қадримиз баланд,
Номимиз зўрлиги нуфузимизда.

Ҳар бир инсон бахти, иқболи сари,
Мақсадлар рўёби сари интилар.
Қомус бандларида намоен имкон,
Инсонлар умрини безар, янгилар.

Ёруғ келажакка, нурли толега
Туташ робиталар, йўлларимиз мул,
Ўсиб унаётган ҳар бир болага
Камолати учун қомус очар йўл.

Сен бизга ифтихор, бахту саодат,
Ўзлигимиз аён ғурур, номуссан -
Сен бизнинг ҳақ ҳуқуқ, бурчларимиз жам,
Умримизга асос улуғ Қомуссан.

22.11.05.

РАМАЗОН ТУҲФАСИ

Покланиш ойини, муқаддас ойни,
Ҳар йил интизорлик билан кутаман,
Шарофати улуғ, қутлуғ рамазон,
Рўзасин Аллоҳим учун тутаман.

Тозаланар вужуд, янгиланар рух,
Рўзада хосият, савоб серобдур.
Ушбу фарзни адо этган ҳар банда
Гуноҳлардан холи, иймони софдир.

Рамазон аслида бандаларига
Аллоҳ муруввати, Аллоҳ ҳиммати,
Ҳидоят йўлида собит, барқарор
Ҳар бир мусулмонга улуғ неъмат.

Дилингиз, жисмингиз поклавсин, дўстлар,
Рамазон фарзини этингиз адо.
Билингки, жаннатда рўзадор учун
Махсус дарвозани атаган худо!

28.10.05.

ОШНА ЭМАСМАН...

Ҳаётнинг тилсиму жумбоқлари кўп,
Дуёнинг армону дардлари кўпдир.
Адолатга ташна инсониятнинг
Адолатга фидо мардлари кўпдир.

Дарахтлар бағрида яшайди умид
Хазон босган пайти кузги баргларин
Ҳақиқат, адолат тантанасига
Ишонч билан енгинг оғир чоғларин.

Ғийбату гурбатдан узоқман асли,
Ёндош бўлгим келмас ғаламисларга -
Токи дилда ҳоким ҳақиқат фасли
Камол йўқ, завол бор чиркин ҳисларга.

Ҳақиқатпарварман, ҳақ тарафдори
Ҳамиша тўғрилиқ йўлида боргай
Тикка нигоҳ билан, рост сўзлар билан
Олчоқ ўтақасин ўртагай, ёргаёй!

28.10.05.

АЙТМОҶҚА КЕЛДИМ...

Келдим айтмоқ учун ўз гап сўзимни,
Арзигулик ишлар қилмоққа келдим.
Дунёнинг дарди кўп, дардмандлари кўп,
Хасталарга ҳақим бўлмоққа келдим.

Ҳар жойда ҳамиша ҳар бир поданинг
Ўз чўпони бордир, бўриси бордир.
Хоҳ кошона бўлсин, хоҳ фақир кулба -
Шубҳасиз, пойгаги, тўриси бордир.

Бинобарин, кўриб пасту баландни,
Имкон қадар фикрим айтмоққа келдим.
Дейиш шарт оқни - оқ, қорани - қора,
Доимо ҳақиқат томонда бўлгум.

Ҳар куни ишимга бориб келаман,
Илҳом банд этади хаёлларимни.
Зеро, хаёлда ҳам, ҳаётда ҳам кўп
Япнатаяй ораулар - ниҳолларимни...

9.11.05.

АДОЛАТ БЎЛМАСА...

Жаҳонга чиқмоқни истадик дилдан,
Ўзбек футболнинг жонкуяр ишқибозлари,
Афсус, йўлланмани чиқардик қўлдан,
Омад юз ўгирди, буткул тескари.

Япон ҳакамининг қўпол хатоси
Минглаб мухлисларни ўртади ёмон.
Массима Бузакка ҳам бўлмади одил,
Яққол пенальтини белгиламасдан.

Бўлар иш бўлди, муҳими барча
Ўзига яраша хулоса қилсин -
Токи камчиликлар, хато, қусурлар
Масъул кишиларга зўр сабоқ бўлсин.

Майдон тўрт бурчакдир, копток думалок,
Изланиш, интилиш астойдил бўлса -
Ажабмас, термамиз худо ёрлақаб
Жаҳон майдонида чемпион бўлса...

25.10.05.

ИЛК МУҲАББАТИМ

Йиллар ўтса ҳамки чиқмас ёдимдан
Қалбни сеҳрлаган илк муҳаббатим,
Ширин туйгуларни, ҳаяжонларни
Умримга муҳрланган илк муҳаббатим,

Ҳар битта инсонда турлича кечар,
Кимгадир ўткинчи, кимгадир мангу...
Бари бир кўнгилдан ўчмас, эскирмас
Биринчи муҳаббат ҳамisha янги.

Қанча дostonлару шеърлар битилган
Таъриф-тавсиф қилиб илк муҳаббатни.
Мен ҳам дилда борин солдим қаламга
Ўхшати йўқ билиб илк муҳаббатни.

Ййраб-яшнатган ҳам кўзни ёшлаган
Илк муҳаббат ёдин безавол тутинг,
Сизни сирли олам сари бошлаган
Муҳаббатвинг, ишқнинг қадрига етинг!

19.08.05.

ҲУР ЮРТИМ, ОЗОД ЮРТИМ

Истибоду зулматлар,
Қуллар энди тарихдир -
Истиқлол зиёсидан
Диллар энди ёруғдир!

Қаторда ўрнинг юксак,
Хур юртим, озод юртим,
Мустақиллик гаштидан
Ҳар гўшанг обод юртим!

Қирил ҳужжат заган пайт
Орзу қилганлар кўрди-
Мовий рангда товланган
Ўзбекнинг ўз паспортин!

Эй, она Ўзбекистон,
Бахтингга кўз тегмасин,
Фарзандларинг ҳеч қачон
Ёвларга бош эгмасин!

Камолингга бахшида
Ижодимиз, ишимиз-
То сен борсан дунёда,
Бахтли ўзбек кишимиз!

Гулла, яшна, Ватаним,
Саодатинг истиқлол!
Юксак манзиллар сари
Чорлар нузли истиқбол!

АМОНАТ АСТ

Дар ин жаҳони бебақо
инсон амонат аст,
Ҳар соату дақиқаву ҳар
он амонат аст.

Хуш хўру хуш ба
оламу одам нигоҳ кун,
Бас нури чашму тобиши
дандон амонат аст.

Гўё ки беҳазон бувад
фасли баҳори ишқ,
Хуш дор, нози ғунчаву
жонон амонат аст.

Ай одамон, ба қадри ҳам
дар зиндагӣ расед,
Зеро ки дар тани шумо
ин жон амонат аст.

14.09.05.

АЖАБ ДУНЁ

Дар ин дунёи буқалмуи,
Ба сар бурдан на осон аст.
Гаҳе он кадр сўзонад,
Ки гўй дўзахистон аст.

Туро гар давлату қувват,
Бувад кам нест ҳамсогар.
Чу афтад бар сарат кулфат,
Туро не дўст, не ёвар.

Аз ин дунёи бепоя,
Ҳама бо дасти холӣ рафт.
Чӣ хушбахт аст оне, ки
Ба номи неку оӣ рафт.

Жаҳони даргузар шояд,
Ба шодию ғамаш зебост.
Набошад умр оне беш,
Гушати ҳар дамаш зебост.

Ажаб дунё, ажаб савдо,
На ҳақ пайдо, на афсона.
Дар он оқил кашад озор,
Ба роҳат жони девона.

Ўзбек тилидан тожик тилига
шоир А. Субҳон таржима қилган.

ҲАЛИ ЁЗИЛМАГАН...

Кўпдир ҳали очилмаган қирраларим,
Айтилмаган ҳикматларим, сирларим кўп.
Кечинмалар оташида тобланувчи,
Юракларни ёндирувчи шеърларим кўп.

Кўпдир ҳали бу дунёнинг тилсимлари,
Мен топмаган жумбоқлари ҳали талой,
Изланишда, интилишда кечар умрим,
Кашф этишга ҳавасим зўр нега толай?!

Ҳали кўпдир мен қилмаган ихтиролар,
Кўпдир ҳали ёзилмаган китобларим.
Кўпдир ҳали Архимеддай «Эврика!» деб,
Кашфиётлар янгратаувчи хитобларим.

Ҳали кўплаб асарларни ёзажакман
Тўлиб тошган фикрлару ҳисларга мос-
Юрагимда, идрокимда жўшар токи
Мушоҳада, мулоҳаза ҳам эҳтирос...

27.09.05.

ЭСЛАТМАЛАР УЧУН

Адабий-бадиий нашр

АЖАБ ДУНЁ БУ...

Зайниддин Норман-Тошкент, 2005

ШЕЪРЛАР

«Сухбатдош» кутубхонаси

Муҳаррир: Тўлқин Раҳим.

Техник муҳаррир: Отабек Хўжаев.

Теришга 20.08.05. Босишга 25.12.05 йил рухсат этилди. Нашр босма табақ 2,0. Адади 500 Офсет босма. Фан ва технология маркази босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Олмазор, 171.